

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 9-sentabr • Shanba • 108 (27.600) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Танишинг:

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЛИДЕРЛАРИ

... Иш қизиган. Партияда «Истикбол ёшлар», «Фаол аёллар» қанотларини шакллантириш даври кечаяпти. Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнига тайёргарлик кўрилаяпти... Ана шундай бир вазиятда партиянинг Юнусобод туман кенгашига Нигора Эшметова раис этиб сайланди.

— Бошланган барча ишларни изчил давом эттириш билан бирга — дейди Н.Эшметова. — Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига ҳам алоҳида тайёргарлик кўра бошладик.

Харакатларимиз ўз самарасини берди. Тумандаги 58 та маҳалладан 32 тасида айна пайтда ЎзХДП аъзолари етакчилик қилаяпти. 54 та маҳаллада эса бошлангич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

— Маҳаллалар билан ишлашга алоҳида эътибор берамиз — дейди яна опа. — Чунки, маҳалла орқали электоратимиз ҳаётига кириб бориш анча осон кечади. Эл-юрт ташвиши билан яшаётган, оддий одамлар манфаатларини ҳимоя қилаётган сиёсий партия эса ҳамиша обрў-эътибор топади, назардан четда қолмайди.

Беҳзод ШУКУРОВ
Суратда: Нигора ЭШМЕТОВА



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Нигора ЭШМЕТОВА 1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Москва давлат педагогика институтини тугатган. Аввал ҳалқ таълими тизимида меҳнат қилган. 1997 йилдан Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгашида ишлаб келмоқда. 2005 йилдан бўён мазкур туман партия кенгашининг раиси.

ИСТЕЪМОЛЧИ ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛСА...

• ЎзХДП ҳаёти

партия вилоят кенгаши ташкил этган «давра суҳбати»да эътирозлар бўлди, таклифлар айтилди

Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши ва вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган «давра суҳбати» «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг аҳолига хизмат кўрсатиши ва хизматлар учун тўловларнинг аҳоли мавзусига бағишланди.

Сўнгги пайтларда истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи ўртасида бир оз тушунмовчиликлар ва ҳатто айтиш жизки, норозиликлар пайдо бўлмоқда. Коммунал тўловларнинг ошиб бориши, бу борада аҳоли ўртасида ўз вақтида тушунириш ўтказилмаслиги натижасида ҳар икки манфаатдор томон баъзи

да бир-бирларидан норози бўлиб қолишяпти.

«Давра суҳбати»да ҳудди шу масалаларда Урганч шаҳрида юзага келган муаммолар ўртага ташланди.

Б.МАШРАПОВ, 28-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Маҳалламизнинг «Ешлик» кўчасида жойлашган 28-ўйга 2005 йилнинг фақат сўнгги кунини яъни, 31 декабрдагина иссиқлик берилди. Лекин, ноябрь ва декабрь ойлари учун тўлиқ ҳисоб-китоб талаб қилинмоқда. Бундан қандай тушуниш мумкин?

А.МУЛЛАЕВ, 19-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида тўловларни ўз вақтида қилишга қўйилмаган. Аҳоли назоратчи ёки алоқа бўлими ходимига тўловларни

амалга оширади, аммо ушбу тўловлар ўз вақтида компьютерларга киритилмасдан, одамлар сарсон бўлмоқда.

И.БОБОЖОНОВ, 23-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Маҳалламизда мавжуд қарздорликни бартараф этиш мақсадида ва ҳисоблашни аниқ олиб бориш учун махсус ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Коммунал соҳа ташкилотлари ушбу ҳисоблагичларни аҳолининг мавжуд қарздорлигини йўқотмаганини баҳона қилиб рўйхатдан ўтказмапти. Аслида, ҳисоблагичларни рўйхатдан ўтказиб, мавжуд қарзларни ҳар ойда ҳисоблаб борсақ иш осон кечади...

«Давра суҳбати»да бевосита масъул тармоқ раҳбари ҳам сўз олиб ўз фикрларини билдирди.

Шоназар АЗИЗОВ, «Иссиқлик манбаи» ОАЖ Урганч

шаҳар бўлими раҳбари: — Ўтган йили куз-қиш мавсумида айрим кўчаларга иссиқлик етказиб берилмагани тўғрисида камчиликларни бартараф этиш учун янгидан бир неча қозонхоналар қуришимиз керак. Қозонхоналарни ўз вақтида қуриш ва ишга тушириш учун ҳомий ташкилотлар беркитилган.

...Тармоқ раҳбари шаҳарда ўн-ўн бир жойда кичик қозонхоналар қуриш режасини айтди. Аммо маблағ масаласи ҳамон ҳал қилинмаган. Ҳомий ташкилотлар беркитилган, улар маблағ топиб беришмагани учун ҳозиргача иш бошлагани йўқ. Бу ёқда куз-қиш мавсумига санокли ойлار қолмоқда...

«Давра суҳбати» қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Унда бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Айтилдики, пенсионер-

ларнинг нафақаларидан алоқа ходими коммунал тўловлар учун пул ундиради, аммо ўша йиғилган пул вақтида тегишли ҳисобга туширилмайди. Пул неча кунлаб тўпловчи — алоқа ходими ёнида юради. Натижада тўловларда чалқашликлар юзага келади.

...Умуман айтганда истеъмолчининг таъминотчи билан «тил топиша» олмаётганида асос бор экан. «Давра суҳбати» бунини яна бир қарра кўрсатди. Партия вилоят кенгаши айнан коммунал тўловларда юзага келган чалқашликларни ўрганиш буйича гуруҳ тузди ва улар эндиликда маҳаллаларда бу борадаги камчиликларни ўрганишади.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИСЛОМ КАРИМОВГА ЮНЕСКО ОЛТИН МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 8 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИ КОИЧИРО МАЦУУРАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

— Биз сизни нафақат ЮНЕСКО Бош директори, балки фан, маданият, таълим соҳаларини ривожлантириш, инсонийлик ғояларини тарғиб этиш орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етук дипломат сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислам Каримов. — Биз ЮНЕСКО билан изчил ривожланаётган ҳамкорликни, Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келаётганингизни юксак қадраймиз.

— Истиклол йилларида Ўзбекистон сизнинг раҳбарлигингизда ҳар томонлама ривож топди, — деди Коичиро Мацуура. — Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар сафар келганимда юртингизда улкан бунёдкорлик ишларининг самараларига, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётда юз бераётган кенг қўламли ўзгаришларга гувоҳ бўламан.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. Тошкентда ташкилот ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, буюк аждодлар меросини ўрганиш ва дунёга танитиш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолаш, қадимий маданиятимизни, урф-одат ва аъналаримизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда беқиёс ишлар амалга оширилмоқда.

Истиклол йилларида Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк боболаримизнинг, Бухоро,

Хива, Термиз, Шахрисабз шаҳарларининг, «Ал-ломиш» дostonи ва «Авесто»нинг юбилейлари ЮНЕСКО шафёлигида кенг нишонланди. Ташкилот мамлакатимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш, кенг тарғиб этишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Коичиро Мацуура Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Боробудур» олтин медалини топширди.

Бу медал ташкилот томонидан 1983 йилда таъсис этилган. Унинг тарихи Индонезиянинг Ява оролидаги Боробудур археологик ёдгорлиги билан боғлиқ. 1972 йилда ЮНЕСКО уни тиклаш буйича халқаро кампания бошлаган ва 1983 йилгача давом этган реставрация ишларига қарий 20 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилган. Тиклаш кампанияси муваффақиятли якунланиши муносабати билан ЮНЕСКО маданият, таълим, фан ва ахборот соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган арбоблар тақдирланадиган ушбу ёдгорлик номи билан аталувчи мукофот таъсис этган.

Ислам Каримовга бу медал халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданият ва динлараро мулоқотни ривожлантириш, таълим тизимига бағрикенглик ғояларини жорий қилиш йўлидаги улкан хизматлари учун тақдим этилди.

(ЎЗА)

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура 8 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари буйича Ўзбекистон миллий комиссияси раиси Рустам Қосимов билан учрашди.

Ўзбекистон билан мазкур ҳалқаро ташкилот ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда юртимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида таълим, фан ва маданият соҳаларини янада ривожлантириш учун изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар билан бераётган самаралар муҳим омил бўлмоқда.

К.Мацуура Ўзбекистон ЮНЕСКО дастурларида фаол ва самарали иштирок этаётганини, ташкилотни ривожлантиришга ҳар томонлама салмоқли ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари буйича ташкилоти — ЮНЕСКО халқлар ўртасида ана шу соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Ташкилотта аъзо мамлакатларнинг аксариятида, жумладан Ўзбекистонда ҳам ЮНЕСКО ишлари буйича миллий комиссия тузилган. Ўзбекистон ЮНЕСКОга

1993 йилда аъзо бўлган.

Мулоқотда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, истиқболда биргаликда янги лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон томонидан таълим, фан ва маданият соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган таклифлар мамнуният билан қабул қилинди. Хусусан, маданий меросни асраб-авайлаш буйича менежерлар тайёрлаш минтақавий марказини тузиш таклифи меҳмонда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда ЮНЕСКО фаолиятида устувор йўналиш ҳисобланган таълим, ижтимоий ва табиий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот соҳасида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

К.Мацуура Тошкент Халқаро Вестминстер университетиде ЮНЕСКО кафедрасининг расмий очилиш маросимида ҳам ишти-

рок этди. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатимиз олий ўқув юрталаридаги ўзини кафодраси бўлди.

— Ушбу таълим муассасасида ЮНЕСКО кафедрасининг очилиши ўзаро ҳамкорлигимиз самарали ривожланиб бораётганидан далолатдир, — деди К.Мацуура. — Мен Ўзбекистонга илгари ҳам бир неча бор келганман. Ҳар гал келганимда юртингизда нафақат ЮНЕСКО фаолиятига дахлдор соҳалар, балки бошқа жабҳаларда ҳам катта ютуқларга эришилаётганига гувоҳ бўлман. Ўзбекистоннинг ютуқлари бизни жуда қувонтиради.

ЮНЕСКО Бош директори Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди. Бу ерда унга университетнинг фахрий доктори унвонини топширилди.

К.Мацуура Тасвирий санъат галереяси ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлди, Тошкент куллулки санъати ўқув марказида ташкил этилган кўргазмани томоша қилди. У Ўзбекистонда миллий маданиятни юксалтириш, қадимий бой мерос, урф-одат, аънава ва удувларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎЗА мухбири

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидеги элчиси Фарҳод Ҳасимов ушбу мамлакат Президентини Моше Кацавга ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида М.Кацав Ўзбекистонда Исроил технологиялари ва сармоялари учун қулай бозор мавжуд эканини таъкидлади. Исроил Пре-

зиденти икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган биргаликдаги қадамларни ташлаш, аввало, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-

овқат, телекоммуникациялар соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш даркорлигини қайд этди.

М.Кацав Ўзбекистон — Исроил муносабатларининг даражасини иқобий баҳолаб, улар барча соҳаларда муваффақиятли ривожланишига умид билдирди.

«Жаҳон» АА

ҚИБРАЙДА «АРЖЕ ФЕЙШН» ИШГА ТУШДИ

300 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди

Пойтахт вилоятининг Қибрай туманидаги Солар шаҳарчаси ҳудудида мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида Ўзбекистон — Туркия ишбилармонлари ҳамкорлигида янги қўшма корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Умумий лойиҳа қиймати 7 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур корхонада 2 миллион 400 минг дона турли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланган.

— Айна дамда 300 нафардан зиёд маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланди, — дейди Қибрай тумани ҳокими Шокир Икромов. — Корхона тўла қувват билан ишлаш бошлагач, иш 2-3 сменада ташкил этилиб, 800 та янги иш ўрни яратилади. Мазкур қўшма корхона Туркиянинг жаҳонга машҳур «Гузель текстиль» ҳамда «Асай Нақш» компанияларининг шахсий сармоялари ҳисобига барпо қилинди.

— Ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг 80 фоиздан зиёди Европа ҳамда қатор хоржий давлатларга экспорт қилинади, — дейди «Асай Нақш» компанияси раҳбари Айдин Арслан.

Дарҳақиқат, «Ўзбекенгилсоаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан қўшма корхоналар сони вилоятда яна биттага кўпайди.

Соҳибжон САЛИМОВ

ҚОРАҚАЛПОҚ ГАЗЧИЛАРИ




Суратларда: оператор Давлат Урозбоев; технолог-муҳандис Азамат Қулбоев. Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Устюрт ва Мўйноқ ҳудудларида ер ости бойликларини излаб топиш буйича геологик қидирув ишлари ўз самарасини бермоқда. Илғор технологиялар қўлланилиб, янгидан-янги газ қудуқлари ўзлаштирилмоқда.

Қудуқлардан қазиб олинган газни комплекс қайта ишлаш, яъни уни тозалаш, таркибидан конденсат олиш ва тақсимлашда «Устюртгаз» шўъба корхонасининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

«Устюртгаз» шўъба корхонасига қарашли Мўйноқ туманидаги «Шарқий Бердах» газни қайта ишлаш мажмуасида эса бир кеча-кундузда уч миллион икки юз минг куб метр газ қайта ишланиб, ундан газ конденсати олинмоқда.



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-28
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 130-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

• Бугуннинг қахрамонлари

ОРОМ МАНЗИЛИДА ОРОМСИЗ КУНЛАР

ЁКИ БУТУН УМРИНИ БОЛАЛАРГА БАФИШЛАГАН ФИДОЙИ ИНСОН, МОҲИР МУАЛЛИМ АНВАРЖОН РАЗЗОҚОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР



тайинлашди.
— Кечагидек эсимда, ўшанда эндигина 29 га кирган эдим. Биринчи иш кунимдаёқ анчагина муаммоларга дуч келдим. Ташландиқ бир ҳолга келиб қолган биналар кўзимга жуда хунук кўринди. Кун буюри оромгоҳ худудини айландим, янги режалар туздим. Эртаси кун келиб енг шимариб ишга тушдим. Атрофдагилар илк кунлари менга ишончсизлик билан қарашди. Инсоннинг қўли гул деганларича бор экан. Тез ора-

дам барча ишларни йўлга қўйди ва ёзи таътилга чиққан мактаб ўқувчиларини мавсумда қабул қилди. Тўғриси айтсам, болаларнинг шўх-шодон овозларини соғинган эканман.
Устоз эсласан ўша вақтлардан буён қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. У чорак асрдан бери болаларнинг яхши дам олишлари учун елиб-югуради, меҳнат қилади, изланади. Ҳа, оёлиқ ёз мавсуми учун тўққиз ой тайёрлик қўлади. Йўқ, йўқ менинг назаримда устоз санокли ойларида эмас, балки бутун умр болалар бахт-саодатини ўйлаб, ҳаётини уларга бахш этиб келмоқда.
— Ҳар йили оромгоҳда нимадир янгилик қилишга интилади. Кўпга интилади экан. Оромгоҳдаги барча биналар махсус лойиҳа асосида қайтадан қурилди, атрофи темир панжара билан ўралди. Биласизми, баъзида ўйлаб қолам. Нега биз бирор бир бўлганимизни қайта қўрамаймиз, ҳаётимиз, бошлаган ишларимиз давомчиси бўлган фарзандларимизнинг ўй-хаёллари, орзу-истаклари билан ҳамма вақт ҳам қизиқармаймиз. Тўғриси айтсам, турли йилларга сарф қилган вақтимизнинг, лоқал бир қисmini болаларимизга бағишлаганимизда эди...

Кўшма одамлари тонг билан бирга уйғонадилар. Тун сукунати чекиниб, ҳаёт деб аталмиш тириклик ташвишлари бошланади. Қайсибир хонадондан тандирдан янги узилган бугдойини ҳиди таралади, дуғуғи момо-боболаримиз яна бир янги кун шукронасини қилиб, ҳаёллар огушига ғарқ бўладилар. Қаердир гўдак йиғлайди. Унга ҳаёт томири бўлган курагини тугатган она алласи атрофга таралади. Ҳа, Аллоҳнинг улуғ неъматини тириклик инояти бўлган фарзандларимиз ҳақида ўйлаганимизда қалбимизда бир нур пайдо бўлади. Тандирда нон ёпилган эрт, бешигида гўдак уляғётган юл, тонг билан бирга уйғонган ватан ва унинг бунёдкор, бедор фарзандларини бор овозинг билан мадҳ этгинг келади.

Анваржон Раззоқов мана ўттиз икки йилдирки ёш авлод таълим-тарбиясига бутун умрини, куч-қудратини бахш қилган. Алишер Навоий номидида Самарқанд давлат университетини математика факультетини тугатган ёш муаллим бошқа жойни эмас, айнан мактабда ишлашни танлади. Каттақўрғон туманидаги 6-, 14-ўрта мактабларда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ берди. Ҳа, кунларни эсласан эслагудек паллалари бўлган экан. Ҳар иккала мактаб ҳам унинг уйдан анча узоқ бўлиб, муаллим қиш-қировли кунларга қарамастан мактабга интилар, билимга чанқоқ ўқувчилари даврасига шошилдилар. Тез орада ушбу илм масканларида математика фанининг ўнлаб, юзлаб ихлосмандлари пайдо бўлди. У кимгадир кераклигини, уларга нимадир бера олишини англаб етар, тунларни тонларга улаб китоб varaқлариди. Шу тахлит орадан салкам ўн йил ўтиб кетганини ҳам билмай қўлибди. Атрофдаги яқин мактаблардан ўзи топилганда ҳам ўқувчиларини кўзи қиймади.

1980 йилда туман раҳбарлари Анваржон Раззоқовни янги лавозимга тайинламоқчи бўлдилар. Одамлар ошно-оғайнларини ўртага солиб раҳбарлик курсига интисалар, қаҳрамонимизда бунинг акси бўлган. У ҳали ёшлигини, мактабга, ўқувчиларига ўрганиб қолганлигини, уларни ташлаб кетолмаслигини айтганда буни эшитган атрофдагилар ҳайратланишган экан. Бу ҳақда уларнинг ўтмиши. Уни кўрада-қўймай Каттақўрғон туманидаги болалар ёғи оромгоҳи директорлигига

самимийроқ тўйгу бўлмас керак. Биз катталар баъзан буни англамаймиз. Бир газетанда ўқиган эдим. Афсонавий футбол кироли Пеле катта футбол билан хайрлашаётган лаҳзаларда одамларга қарата «болаларни севинг» дея хитоб қилиб йиғлаб юборган экан. Анвар аканинг ҳаёт фалсафаси жуда оддий: фақат болаларни севиш, одамларга яхшилик қилишдан иборат. У намунали оила бошлиғи. Умр йўлдоши сабр-тоқатли, фаршталли аёл Оляя опа билан беш ўғилни тарбиялаб воёга етказишди. Шамсиддин Самарқанд давлат чет тиллар, Садриддин қишлоқ ҳўжалиғи, Зайниддин эса Тошкент молия институтини тамомлаган. Ҳа, соҳасининг билимдон мутахассислари. Аҳад Тошкент авиация институтини талабаси, кенжатои Ҳотамжон мактаб ўқувчиси.

— Мен ҳар қандай муаллим ҳақида гап кетса, энг аввало, унинг оиласи, фарзандларини сўрайман. Назаримда, ўқитувчининг оиласи атрофдагиларга намуна бўлиши, ота-онаси юзигина ерга қаратмаслиги керак. Ҳа, оила-сида болаларига яхши тарбия беролмаган, ўқитишга эътибор қаратолмаган муаллимни ҳақиқий педагог дейиш қийин. Шунинг учун мен ўйлашимни мактабдан бўш пайтларида уйда ўқитаман. Хонадонимизда каттагина кутубхонамиз бор. Қисқаси, бола тарбияси биз ўқитувчилар ва ота-оналардан доимий эътибор талаб этади. Бола қаровисиз қолган оилада нотинчлик пайдо бўлади, ота-она эса бутун умрини кўзида алам, изтироб ёшлари билан ўтказади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим тизимига жуда катта эътибор қаратилди. Президентимизнинг шахсан ташаббуслари билан Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинди. Бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилиб келинмоқда. Мактабларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Муаллимнинг жамиятдаги мавқеи ошди, иқтисодий томондан имкониятлари яхшиланди. Шу ўринда бир гап. Ўқитувчи фидойий бўлиши керак. У танлаган касби қисмати эканлигини англаб етмоғи зарур. Мен баъзи бир қўштир-ноқ ичидаги ўқитувчиларни биламан. Савияси ҳаминқадар, ўқувчига ўрнатқан бўладиган бирор бир томони йўқ, бундайлар аста-секин сафимиздан чиқиб қолаверади. Яна шундай ўқитувчиларни биламанки, улар бутун куч-қудратини халқнинг боласини ўқитишга сарф қилади. Шогирдлари устозлари билан, ўз нафбатига устозлари ҳам ўқувчилари билан фахрланишади. Улардан сабоқ олган ёшлар фан олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Мактабни битириб, олий ўқув юрти талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлишмоқда.

Бунинг замирида эса муаллимнинг машаққатли меҳнати яширинган. Мустақиллик ўқитувчи-мураббийларнинг ҳам қаддини тикилади. Қисқа вақт ичида уларнинг маошлари бир неча мар-та оширилди. Юртбошимиз Фармо-ни билан «1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни» деб эълон қилинди. Мана ўн йилдирки, муаллим-

лар айёми бутун мамлакат миқёсида умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Янги замонавий мактаблар, кенг, ёруғ синфхоналар, компьютерлар ўқитувчи ва ўқувчилар учун мўхайё қилинган. Фақат изланиш, интилиш, ўқитувчи деган муборак номга лойиқ бўлиши керак. Қайсибир йили туғилган кунимда шогирдларимдан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг «Меҳр» номи ки-тобини совға қилганди. Унинг даст-бхи саҳифаси мана бу тўртлик билан бошланар экан:

Шоирга дедилар:
— Сиз бахтли инсон,
Халқингиз ардоқлар, ҳамма та-рийди.
Шоир жавоб қилди:
— Менда бир армон:
Муаллим десалар мени қаний-ди!

Анвар аканинг тўлқинланиб айтган сўзларини тинглар эканман ҳамини баркамол, бахтли авлодлар камолотини ўйлаб, уларнинг нури келажак-гени яратиб борасида раҳнамолик қилиб келаятган Йўлбошимизнинг мана бу пурмаёни сўзлари ёдимга ту-шади: **«Ўз-ўзини эл ишига бағиш-лаган, инсон тарбияси жон тик-кан олижаноб ўқитувчиларни, мўтабар муаллимларни бундан бўён ҳам бошимизга кўтарамиз»**. Устознинг қалбимизга муҳрлиб қолган бир гапи бор: оромгоҳдаги ҳамма нарса болаларники. Анвар ака ўтган йиллар ичида жуда кўп раҳбар-лар билан бирга ишлашди. Уларга баҳо бериш мезони болаларни яхши кўради ёки акси. Оромгоҳга кичкина бир кўмак берган одамларнинг но-мини ҳамини тилга олади. Оромгоҳ ёрдамчи ҳўжалиғида етиштирилган мева-сабзавотлар, полиз маҳсулот-лари қатий тартибда болалар дас-турхонида тортилади. Ўтган йиллар давомида баъзи бир тутуруқсиз раҳ-барлар оромгоҳни бошқа бирор нар-сага айлантириш ёки ундан турли мақсадларда фойдаланишга ҳам уринган вақтлар бўлди. Лекин қаҳра-монимиз болалар оромгоҳини сақлаб қолиш учун тиш-тирноғи билан ку-рашди. Инсоф билан айтганда, бу ерда экилган дарахтлар, тикланган ҳар бир иморат деворларида Анвар аканинг қўл излари бор. Шунинг учун ҳам у болалар оромгоҳини кўз қор-ачигидек асрайди.

Одам бу дунёда нимани изласа ўшани топади. Одамларга яхшилик қилишда ҳикмат бор экан. Нимаки қилсанг, бари ўзингга зиё-даси билан қайтаркан. Яқинда тўнғич ўғлим Шамсиддин ва келиним Умидойлар ўғил қўришди. Биринчи набирам Акбаржонни қўлимга олар эканман, Аллоҳга ҳисобсиз шукр қил-дим. Фарзандлар улгайишاپти, на-биралар туғилмоқда. Демак, орти-мизда из қолмоқда.

Мен ором манзилидаги оромсиз қалбнинг дил сўзларини тинглар эканман, қалбимда фаҳр, гурур туй-ғулари уйғонди. Замонамизнинг Анваржон Раззоқов каби қаҳрамон-лари бор экан эҳқули, меҳр, оқибат, фидойилик туйғулари абадийдир.
Фарруҳ ҲАМРОЕВ

• «ЎЗХДП — 15 йил» танловига

ПАРТИЯДОШЛАР ГУРУНГИ

«Илгари бир «каси» бўларди. Унинг номи «партия ходими» эди. У замонлар ўтиб кетди. Биз раҳбарлик лавозимларида ўқимишли, илму фанга чанқоқ, изланувчан кишиларни кўрмоқ-ни истаймиз...»

Яқинда Қорақалпоғистонга хиз-мат сафарим чоғи бир гуруҳ партиядошларим гурунгида Пре-зидентимиз Ислам Каримовнинг шу сўзлари эсланди-ю, беихтиёр, суҳбатимиз мустақилликнинг ўтган 15 йили давомида боши-миздан кечган қанчадан-қанча си-новларга ва ҳаётимизда ўчмас из қолдирган хайратли ишларга, оламшумул воқеаларга кўчди.

— Истиқлолнинг илк қадами — Ўзбекистонда Президентлик ин-ститутини собиқ иттифок респу-бликалари орасида биринчи бўлиб ҳужум қилинган бўлди, — деди **Берурий туманидаги Марказий касалхонанинг жар-роҳлик бўлими мудири, ЎЗХДПдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенге-си депутаты Бозорбой Ҳасанов**. — Иккинчи қадам — юр-тимиз, халқимиз «боқиманда», «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган ноҳурин ивғиво маломатлар-дан халос бўлди...

— Тўппа-тўғри, — гапга қўшил-ди. — **Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгесидagi ЎЗХДП фракция-си раиси Сапарбой Авазатов**. — Шундан сўнг мустақиллашчилик, мустақиллик, мутелик исқанжа-сидан ва собиқ марказ таъинла-ридан озод бўлиб, ўз тақдиримиз ўз қўлимизда бўлди. Эсла-сангиз, дастлабки кезларда мам-лакатимизда биргина партия — ЎЗХДП бор эди. Бугун республи-

камизда сингари Қорақалпоғис-тонда ҳам кўпчилик мана шу партия аъзоси эди. Бугун ҳам шундай: аъзосидан, мафкурада, маданият, одоб-ахлоқ, эътиқод ва мақсаду маслақда собит туриб ишламоқдалар... — Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Се-нати аъзоси Ағитой Адилов, Тўртқўл тумани ҳокими Аҳмет Ибрагимов, Тохиржон Самандар-ов, Йўлдошбой Насруллаев, Наташа Дўстқанова, Хонимжон Ражабова, Рустамбек Ҳўжаний-зов, Қорақалпоғистон Республи-каси қасаба уюшмалари ташки-лотлари кенгаши раиси Соғин-дик Ниетуллоев, ЎЗХДП Нукус шаҳар Кенгаши раиси Сада-нбой Нурманов... Одамлар улар-нинг ҳаммасидан ўшанда ҳам, ҳозир ҳам намуна олишяпти...

— Чиндан-е, — сўзга сўз улади **қўли Амурдўғи ирригация тар-моқлари ҳаваси раиси Мур-табай Абдиров**. — Буткул Ўзбеки-стон бўйича уларга ўшаш юз-лаб-минглаб катта-кичик лаво-зимларда ишлаган ва ҳозир ҳам ишлаётган партиядошларимиз доимо ўзларининг изланувчанли-ги, ташаббускорлиги билан бар-чага ибрат бўлиб келишди, кели-шяпти. Ававаломбор, давлатимиз раҳбари раҳнамолиғида истиқлол йўлидан дадил юрдиқ десак, му-болага бўлмас. Тарихимизга, ма-даниятимизга, маънавиятимизга, ўзлигимизга таяниб ва ҳаётининг илғор тажрибаларига суяниб, да-стлабки пайтларданок, ички ҳамда ташқи сиёсатимизни аниқ белгилаб олдиқ. Дунё ҳамжамия-тига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб, мамлакатимиз салоҳиятини тўла намоийш этолдиқ. Ҳаммасида,

ўйлаيمانки, ЎЗХДПнинг муносиб ҳиссаси бор...
Сўхбатдошларим гурунгида олган хулосаларим шу бўлдики, энг аввало, сабрли, бардошли, эрксевар, меҳнатсевар халқимиз мақсад-муддаси бир жойдан чи-қиб, ўтган 15 йил ичида эришган ютуқларимиз қўлдевори — тинч-лик, тотувлик ва барқарорлиқни сақлаб қоладик.

— Энг муҳим жиҳати, — деб якунлаган бўлди ўшанда парти-ядошлар гурунгини **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон респу-бликаси Кенгашининг раиси Атаулла Асанов**. — эски иқти-содий сиёсат ва ўзини оқлама-ган тизимни бутунлай ўзгарти-риш ҳамда янгилаш орқали за-мон талабига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига ўтишда ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, Президентимиз ишлаб чиққан машҳур беш тамойилга асосланган йўлимизни танлаб ололдиқ. Самарасини кўриб ту-рибсиз, худди ЎЗХДП иқтимо-ий идеалида акс этган — **соци-ал демократик давлатни бунёд этиш йўлида «XXI аср-да қўли Ўзбекистон»** голяри аҳолининг ҳамма қатламла-рига етиб бормоқда. Парти-ямизнинг бугунги аъзолари эн-дилликда илгаригидек «партия ходими» деган «каси» эгалари эмас, балки ўз голяларининг ҳақиқий, Эътиқодли ҳимоқчила-ри. Уларнинг сафи эса тобора кўпайиб бормоқда.

Айни шунинг үзюк, шубҳасиз, Мустақиллик — олий неъмат, ша-рафли масъулият ва буоқ имко-ният эканини исботлаб турибди.
Номоз САЪДУЛЛАЕВ

• 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»



Андижон вилояти Хонобод шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими шифокор-лари 53 минг 250 нафар шаҳар аҳолисига малака-ли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқ-да. 200 ўринли марказий шифохо-нада 8 та бўлим мавжуд. Шунинг-дек шифохона таркибиде иккита поликлиника ишлаб турибди. Бу масканда 72 нафар малакали шифокор ҳамда 500 га яқин ўрта тиббиёт ҳодимла-ри хизмат қиляпти.
Суратда: ҳамшира Гулшода Жабборова. **Ш.ОЛИМОВ (Ў.А) олган суратлар**

• Газетанда босилмади, аммо...

ПЕНСИОНЕР МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Пенсионер Қадим Содиқов Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Наврўз кўчаси, 27-уй, 12-хонадонда истиқомат қилади. У тахририятимизга мурожаат этиб, Украиннинг Кролевецкий тумани, «Вперёд» жамоа ҳўжалиғида беш йил иш-лаб, юқори ҳақ олгани ва пенсиясини шу асосда қайта ҳисоб-китоб қилиш мутасаддилар томонидан пайсалга солинаёт-гани ҳақида ёздигани. Унинг шикоят хатини тегишли идорига юборган эдик. Яқинда мазкур мактуб бўйича жавоб хати олдиқ. Унда жумладан шундай дейилади:

«Фуқаро Қ.Содиқов 11.12.1936 йилда туғилган. 1996 йил 11 де-кабрдан ёшга доир пенсия олиб келади. 2005 йил 11 мартда Пах-такор туман иқтимоий таъминот бўлимига мурожаат этиб, Украиннинг Кролевецкий тумани, «Вперёд» жамоа ҳўжалиғида иш-лаган давридаги (1981-1985) йил-лар ойлик иш ҳақидан пенсия миқдорини қайта ҳисоблашни сўраб, 15.01.2005 йил 17-сонли маълумотнома тасдиқ этган. Унда кўрсатилган иш ҳақлари жуда юқори бўлганини сабабли Пахтакор тумани, иқтимоий таъ-минот бўлими Украина Респу-бликаси Кролевецкий тумани Пен-сия Фонди раҳбариятидан 1981-1985 йиллари иш ҳақини текши-

риб беришларини сўраб 2005 йил 11 мартда 60-сонли сўров хати юборган.
Қ.Содиқовнинг ойлик иш ҳақлари ўзгартирилган билан тасдиқланиб келганидан сўнг унинг пенсияси миқдори 2005 йил 1 апрелдан қайта ҳисобла-ниб, 2005 йил 1 апрелдан олол-май қолган пенсияси фарқи 17877-22 сўм, 2006 йил июль ой-ининг пенсияси билан биргалик-да жами 50010-22 сўм тўловга чиқариб берилди ва 2006 йил 11 июль кунини пенсиясини олди. Фу-қаронинг 1981-1985 йиллардаги иш ҳақлари қайта ҳисобланган, пенсия миқдори 2006 йил 1 июл-дан эътиборан 32133 сўм қилиб белгиланди.

Жиззах вилояти Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи **С.АЛЛАМЕДОВА**

• Долзарб мавзу!

САНЪАТГА СОХТАЛИК ЯРАШМАЙДИ

ЁКИ ТўЙЛАРИМИЗДАГИ БАЪЗИ БИР БЕЎХШОВ «ОДАТ»ЛАР ҲАҚИДА

Бугунги тўйларнинг фазизи-таровати ўзгача. Сирасини айт-ганда, дабдабадан холи, дастурхони камтарингина тўйларга одамлар анчадан бўён дуч келишмаяпти. Бу эса тўкин-со-чинлик ва ўзига тўқлиқдан нишона. Аммо исрофгарчилик ва беҳуда чиқимларга йўл қўйилмайдиган, бошловчиси-ю санъ-аткорлари қушқондан чиқмайдиган, миллий маданиятимиз нафаси фуқуриб турган, андишали, ортиқча ташвиш ва асаб-бузарликлардан йироқ, кимўзарга чорламайдиган ўзбекона тўйларга не етсин.

Афсуски, бугун қарз-қавола эвазига бўлаётган, айни пайт-да эл-юртда «пойга»га айланган суъий ва зўрма-зўраки ма-росимлар йўқ эмас. Айрим тўйларда тўқликка шўхликнинг ажабтовр намуналарини кўрасиз. Наинки тўй соҳиблари, балки эл-улус учун жиддий муаммо туғдираётган бундай ҳолатлар анчагина. Бунинг орасида вилоятда ўтаётган баъзи бир маросимлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозир ўзини санъаткор ҳисоблайдиган «айрим-ларнинг ўрни-ни, кимлигини белгилаш воҳа тўйларига асосий муаммога ай-ланди, десак хато бўлмайди. Бугун суҳандон ёки раққоса-нинг хизмати туфайли аксарият тўйларда асосий эътибор тўй сабабчилари бир ёқда қўлиб, кўпроқ хонанда — «отарчи»ларга қаратиляпти. Мақтовнинг эври ҳам шуларники.

Яқинда бир тўйда бўлдиқ. Оддийроқ, аммо эл орасида ишчандиги, пок, ҳалоллиги билан танилган одамнинг пешона тери эвазига қилинган тўй. Унда суҳандон хали ҳеч ким та-ниб-узгурган «ноёб» истеъдод соҳиб — бўлуси «машҳур санъаткор»ни кўқларга кўтарди. Асосий сабабчилар — келин-куёв ҳамда хонадон соҳиблари эса унинг «оса»сида қўлиб кетди.

Тўйни бошлаб берган «суҳандон» аввал-бошданок эъти-борини ўша бўлғуси номдор «санъаткор»га қаратди. Унинг исми-шарфини эса узоқ давом этган таъриф-таъсиф, мадҳ ва мадҳиядан сўнг тилга олди. Эмишки, у «туғма санъаткор» хали бешкидалигдаёқ машҳур ҳофизлар номини тилга олиб, уларни «пирим» деганмиш. Эндиги орзулари бир олам эмиш. Ҳозирда тўйларда ундан ўтказиб хонин қилаётган санъат-корни топиш амри маҳолмиш. Ҳатто барча қўшиқларини ўзи тўқиб, ўзи куйлармиш.

Шу тахлит узоқ гаплардан сўнг навбат ўша ноёб истеъ-дод соҳибига етди:

«...Қўй лабинг-лабима, дудок-дудокка, Диллар кўрсин, болнинг томошосини...»
Изма-из иккинчи қўшиқ ҳам янгради:
«Тўти қилай суриб, Дар (тевр) демокчи» чикса оёғингдан».

Ҳозир баъзи ашулчиларнинг тўйдаги ёнги-елпи қўшиқла-рига-ку тоқат қилса бўлар, аммо қатарасига пуflanган кар-найлардан чиқётган кучли шовқинга асло тоқат қилолмайсиз. Ёнимизда ўтирган меҳмонлардан бири бу ҳолга чидалмай, ўз ўрнини ошқора тарқ этди. «Сизга айтсам, бу шовқиндан қўлоқ-ларим битаверганидан, тўйларга камроқ борадиган бўлган-ман», деди уни қуватлаган яна бир меҳмон. Шундан сўнг тўй ниҳоясида «раққосалар» пул йиғиш «раксини ижро этишди. Аксарият меҳмонлар томонидан узатилган пуллар уйинчининг қўзига оз қўрингани боис узоқ вақт ҳавода муяллак қўлиб кетди. Ва ниҳоят ана шу фаройиб томоша билан тўй ҳам охир-лади. Меҳмонларга ҳам қойил.

Кейинчилик тарқалган овозларга қараганда, улар биргина шу тўйнинг ўзида «санъаткор»ларга нақ 1 миллион сўмини «инъом» қилиб юборишибди. Таажуб. Айрим ўқувсиз санъаткорларни тўйларимизда «осмондан ёғилаётган» ана шундай пуллар жи-лваси талтайтириб юбормаптимикан? Шаннимизга иснод кел-тираётган бу каби хунук ҳолатларга ўзимиз йўл қўйиб, кўпгина «отарчи»ларнинг оёғи ердан узилишига сабаб бўлмаптимизми-кан? Эл-улусни тўйдан бездириб, асабини бузишга сабаб бўлаётган баъзи «санъаткор»ларга дангал дақиқа бера олувчи обрў-эътиборли, фидойи инсонлар, маҳалла оқсоқоллари қаер-да қолди?

Ҳеч бир замонда тўқлиқдан қушқондан чиқиб яхшиликка олиб келмаган. Шундай экан, буни биринчи галда санъатимиз пешини тутган зотлар, тўй соҳиблари, қолаверса кенг жамоат-чилик идорк этшини истаймиз. Санъаткорнинг тўйдаги ўрни ва роли, ахлоқ-одоби, дунёқарши, муомала маданияти, инсо-ний фазилати, қўшиқ ва рақслари савияси ҳамда жонли ижро-даги «маҳорати» ўринли эътирозларга йўл очгани ва эндилик-да ечим қутаётган муаммо сифатида майдонга чиққани яхши маълум. Хулоса шуки, тўй репертурига жо бўлган қўшиқ, му-сиқа ва рақсларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ижро чоғида на-моён бўлаётган айрим ҳолатлар масълуд идоралар ва жа-моатчиликнинг жиддий назоратини қутаяпти.

● Иқтисодиёт ва ислохот

ШАХСИЙ МАНФААТДОРЛИК — УМУМИЙ МАНФААТДОРЛИК ПОЙДЕВОРИ

АТ «ПАХТА БАНК» СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШКАРМАСИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

— «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси ходимлари доим бизни қўллаб-қувватлайди, — дейди Оқолтин туманидаги «Оқолтинлик миришкор» фермер ҳўжалиги раҳбари Қурбонғул Мамадалиева. — Фермер ҳўжалигимиз 2004 йилдан ташкил этилган. 2005 йилда эса катта ютук эришдик. Астойдил меҳнатимиз туфайли 101 тонна пахта етказиб, режани 102,4 фоизга уддаладик. 22 млн. 185 минг сўмлик даромад ҳам олдик. Банкининг амалиёт бўлими томонидан ажратилган 20 миллион сўм кредит ҳисобига «МТЗ-80» русумли трактор, иккита тиркама ва «МТЗ-80» русумли культиватор ўрнатилган трактор сотиб олдик.

Шу тумандаги Фалаба қишлоғи худудига жойлашган «Фулмо» фермер ҳўжалиги раиси Сафар Мамадалиев бундай деди:

— Фермер ҳўжалигимизнинг умумий ер майдони 131,9 гектар. 68,9 гектар ерга пахта, 45 гектар ерга галла ва 2 гектар майдонга бошқа экинлар экин. 2005 йилда шартнома бўйича белгиланган 155,8 тонна ўрнига 157 тонна пахта топширдик. Бу йилги галла топшириш шартномасини белгиланган 59,6 тонна ўрнига 59,8 тонна қилиб бажардик. «Пахта банк»нинг Сардоба бўлими томонидан пахта етиштириш учун 17 млн. 135 минг сўм, галла етиштириш учун 3 млн. 650 минг сўм кредит ажратиб берилганлиги ютукларимиз омилли бўлди. Дарвоқе, ўтган йили банк фермер ҳўжалигимизни қўллаб-қувватлаш учун 50 млн. сўм кредит берган эди. Бу маблағ ваэзига «МХ-140» трактори сотиб олдик. Бу эса бизга қанот бўлди.

Гулистон шаҳридаги «Саховат фарм» хусусий корхонаси раҳбари Баҳодир Абдурахмонов ҳам «Пахта банк» фаолиятидан хурсанд:

— Хусусий корхонамиз 2004 йил апрели ойида Гулистон шаҳар ҳокимининг қарорига асосан ташкил топгани. Банк бошқармасининг амалиёт бўлими томонидан савдо ташкилотини қўллаб-қувватлаш, аҳолини доридармонлар билан таъминлаш сифатини ошириш учун 7 миллион сўм кредит ажратилди. Натижа-

да «Саховат фарм» хусусий корхонаси шу йил февраль ойидан 11 июлгача банк газасига 38,7 миллион сўм миқдорда нақд пул топширди. Айни пайтда қўшимча дорихона филиали ва даволаш маркази очилиш режалаштириб қўйганмиз.

Деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига ажратилган кредитларнинг асосий қисми, яъни 460,1 млн. сўми техника ва асбоб-ускуналарга ҳамда 19 млн. сўми чор-ваччиликни ривожлантириш, қорамоллар сотиб олиш учун йўналтирилди. Ушбу кредитларнинг 477 млн. сўми ёки қарийб 100 фоизи узоқ муддатларга йўналтирилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркор аёлларга 35,6 млн. сўм, аёллар меҳнатидан фойдаланган ва аёллар бошқарадиган кичик бизнес субъектларига 310 млн. сўм, сўт ишлаб чиқариш, чорва моллари ва сўтни қайта ишлаш учун 20 млн. сўм кредит ажратилди.

Маълумки, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш маиллақатими амалга ошириладиган ислохотларнинг устувори йўналишларидан бири этиб белгиланган. Мазкур соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Марказий банкнинг тегишли қарор ва низомилари қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлар асосида уларга қўллаб-қўлланма берилиб, янги кредитлар берилди. Бугунги кунда «Пахта банк» бўлими томонидан хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига жами 7019 та банк ҳисоб рақамлари очилган бўлиб, уларга самарали банк хизмати кўрсатилаётган.

Қишлоқ жойлардаги эҳтиёжман ва кўп болали оилаларга, энг аввало мактабча ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилаларга маҳалла қўмитасининг тавсиялари асосида қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратилишига алоҳида эътибор қаратиш, микрокредитлар олишда улар томонидан берилган аризаларини белгиланган муддатларда қўриб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда хулосалар

тайёрлаш кўчади. Ажратилган микрокредитларнинг мақсадили ишлайтилиш юзасидан банк филиалларида мониторинг ишлари қўчайтирилди.

Бундан ташқари аҳоли ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисоб вақчаларга жалб этиш буйича бирмунча кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Жумладан аҳолига қўлай ва юқори фойдали «Обод юрт» (36 фоиз), «Хазина» (36 фоиз), «Орзу» (35 фоиз), «Замин» (22 фоиз), «Шодлик» (22 фоиз), «Мадад» (24 фоиз), «Ҳосил» (22 фоиз), «Мўжиза» (37 фоиз), «Кафолат» (34 фоиз), «Иқмоният» (37 фоиз), «Болалар келажагимиз» (22-28 фоиз) ва бошқа омонат турлари жорий этилган. Аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганлиги натижасида уларнинг банкдаги омонатларга қўётган бўш пул маблағлари миқдори 2006 йил 1 июль ҳолатига 1619 млн. сўмни ташкил этди, ҳозир улар миқдорини янада ошириш мақсадида изчил ҳаракат олиб борилаётган.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган пластик қарточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишнинг нақд пулсиз шакли «Пахта банк» тизимида 2000 йилдан бошлаб амалиётга киритилган. Ҳисоб-китоб қилишнинг пластик қарточкалар орқали нақд пулсиз тўлов тизими сифатида микрочилиқ сمارт қарточкалар учун тузилган «DUET» дастурий таъминоти танланган. Бошқарма эса мижозларга 2003 йилдан бошлаб ушбу пластик қарточка хизмат турини тақлиф қила бошлагани. Ҳозирги кунда мижозларга сўмдаги деб-бет ва кредит пластик қарточкалардан, юридик шахсларга эса сўмдаги корпоратив пластик қарточкалардан фойдаланиш тақлиф қилинмоқда.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шох-бобларидан ўрнатилган савдо терминаллари орқали қилинган савдо айланмаси даромадидан солиқ тўлашда имтиёз жорий қилинди.

Хизматлар учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш ҳамда транспорт хизмати учун тўловларни нақд пулсиз шаклда амалга ошириш, те-



АФФОНИСТОН

Кеча АҚШнинг Афғонистондаги элчихонаси олдида рўй берган портлаш натижасида 14 нафар шахс ҳалок бўлди. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси хориж фуқароларидир.

Портлаш элчихонанинг кўчайтирилган равишда қўриқланадиган комплексидан 100 метр узоқликда рўй берган.

Афғонистон полиция маҳкамаси вакили маълумотига кўра, террорчи бошқарувидидаги машина АҚШ армиясига тегишли бўлган автоматмашинага бориб урилган.

Америка ҳарбийлари портлаш жойини ўраб олишди. Аскарлар афғонларни элчихона жойлашган худудга қўймапти.

Айни пайтда НАТО кучлари Афғонистон жанубидаги солидонларга қарши йирик ҳарбий амалиётларни ўтказмоқда. Олти кун давомида «Толибон» ҳаракати жангариларидан 300га яқини иттифоқчи қўшинлар ҳарбийларидан 20га яқини ҳалок бўлди.

Портлаш НАТО олий раҳбариятининг Варшавадаги учрашуви олдида рўй берди. Ушбу учрашувда Афғонистонга қўшимча куч жўнатиш масаласи ҳал қилиниши керак эди.

Британиялик генералларнинг бири айни пайтда Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар Ироқдагидан кўра жадалроқ бўлаётгани ҳақида огоҳландирди. НАТО етакчиси Яап де Хооп Схеффер альянснинг баъзи аъзолари Афғон кампаниясида қонирқарос иштирок этаётганини таъкидлади.

Кузатувчиларнинг фикрича, толибонлар қаршилиги кўчаган, бунинг устига мамлакат жанубида ваэият анча чигаллашди.

Афғонистонда ҳарбий кучлар қўмондонлигини АҚШдан қабул қилиб олган НАТО мамлакат жанубида ўз контингенти сонини оширмоқда. Шунинг таъкидлаш лозимки, толибонлар қаршилиги фаоллашгани туфайли сўнгги кунларда британиялик ва канадалик ҳарбийларнинг бир нечаси ҳалок бўлди.



ЯПОНИЯ

Кеча Японияда бош вазирликка номзодларни рўйхатга олиш расмий маросими бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг бош қотиби 51 ёшли Синдзо Абе, ташқи ишлар ваэири, 66 ёшли Таро Аса ва молия ваэири, 61 ёшли Садаказу Танигаки рўйхатдан жой олишди, улар сайловди кампанияларини бошлашга шай.

20 сентябрь куни ҳукумат теласидаги Либерал-демократик партиясининг етакчиси сайланиши керак. Партиянинг янги етакчиси ҳукуматни шакллантириб, парламент тасдиғидан ўтгач, бош вазирлик лавозимини қўлга киритади.



МИСР

Миср давлат хавфсизлик суди Синай ярим оролида охириги икки йил давомида содир этилган террорчиликларда қатнашганликда айбланаётган Юнус Гурейра, Усама ан-Нахлави ва Муҳаммад Хусайнларни олий жаэога маҳкум этди. Улар ноқонуний равишда қурол-яроғ сақлашда, портловчи моддаларни тайёрлашда, мисрлик ва хорижий фуқароларни ўлдиришда тил беришганликда айбланмоқда.

Ҳукмда айтилишича, уларнинг ҳаммаси «Тавҳид ва Ҳижод» экстремистик гуруҳи аъзоларидир. Айбланаётганларнинг уччаси ҳам айбини тан олишмади.

Айни пайтда Таба ва Синайнинг икки йирик қурут шахарларида рўй берган портлашлар иши бўйича 11 нафар шахс тергов қилинмоқда.

Бу террорчилик оқибаида 34 нафар хорижий сайёҳ ҳаётдан қўз юмган.

АҚШ

АҚШ мудоға ваэири ўринбосари Пол Маххале 2001 йил 11 сентябрь воқеалари тақдорланмаслиги учун террорчилар томонидан бирорта самолёт қўлга олингудек бўлса, у мамлакат ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан уриб туширилиши мумкинлигини билдирди.

Унинг сўзларига кўра, АҚШнинг бутун худудиди бир неча дақиқа ичида ҳавога кўтарилишга шай турган қирувчи самолётлар бор.

— Агарда террорчилар аэропортдаги назоратдан ўтиб, самолётга кириб, у ердаги махсус хизмат вакиллари ниғиб, кўчайтирилган эшиклар орқали учувчи кабинасигача кириб боришса, биз қўллаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун самолётни уриб туширишимиз мумкин, — деди у.

Эслатиб ўтамиз Россияда ҳам қўлга олинган самолётларни уриб тушириш мумкинлиги қонунан ўтган йили тасдиқланган эди.

МЕКСИКА


Икки ой давом этган тортишувлардан кейин Мексиканинг ҳукумат теласидаги партиясининг номзоди Фелипе Кальдерон расман президентлик сайловининг голиби сифатида эълон қилинди.

Мамлакатнинг олий сайлов органи ҳисобланган Сайлов ишлари суди 2 июль куни бўлиб ўтган сайловда айнан Кальдерон галлаб қозонгани ҳақида қарор чиқарди.

Етти нафар судья сайловда маълумиятга учраган Андрес Мануэль Лопес Обдордоннинг давросини рад этди. У Сайлов давомида қўлгана қонунбузарликлар рўй берганидан норози эди.

Фелипе Кальдерон эса расман 1 декабрь куни ўз ваэифасини бажаришга киришади.

Мексикада бўлиб ўтган сайловда ўзига хос рекорд ўрнатилди. Мамлакатда ўтказилган сайловлар тарихида номзодлар орасидаги тафовут бунчалик кам бўлмаган. Охириги ҳисоб-китобларга кўра, Кальдерон сиёсий рақибидан 233 мингта кўп овоз олган. Сайловда 41,6 миллион одам иштирок этди.



САХИЙЛИК — ФАЗИЛАТ

Хайру саховат, меҳроқибат кўрсатиш миллий қадриятларимиз сирасига фазилат халқимиз қони-қонига сингиб кетган. Бой-бадавлат кишилар бева-

бечоралар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиб туришни фарз ҳисоблашади. Мустақилликка эришганимиздан кейин бу эзгу амаллар янада оммавий тус олди.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган тадбирда ҳам шу азалий қадриятнинг ҳаётимизда чуқур илдиз отаётганининг яна бир бор гувоҳи

бўлди. Тадбирда кам таъминланган, нафақаҳўр ижодкорларнинг оилалари ҳомилиқар томонидан моддий рағбатлантирилди.

Юнус ЗИЕДОВ

Шариф ҚУРБОНОВ, хонанда, меҳнат фаҳрийси:

— Етимиз йиллик умрим мобайнида қўллаб таниқли санъаткорларга ҳамнафас, ҳаммаслақ бўлганман. Шунинг алоҳида айтаманки, уларнинг қўлчилиги тўйларга пул учун эмас, ашула айтиб, кўнгли ёзиш, шу баҳона овосини чархаш имкони туғилгани, энг муҳими халққа хизмат қилиш учун боришдир. Турши-турмуши ниҳоятда камтарин, аммо обрў-эътибори сарбадан, унвон ва совринлари бисёр эди, уларнинг. Бундай ноёб истеъдод соҳиблари ҳозир ҳам оз эмас. Лекин, аксарият санъаткорларга нафаси қанчалик ўткир бўлмасин, нафси панд бераётган ва тезда эл назаридан қолишапти.

Ўзбек халқига хос инсоний фазилатлар санъаткорга сув билан ҳаводек зарур. Санъатимиз ана шу юксак талаблар доирасида пишиб етилганлариниғина ўз бағрига қорайди. Бу лок даргоҳда нафси бузуқ «отарчи»ларга ўрин бўлмаслиги лозим.

Ҳақ гап. Бизинчга, суҳбатдошларимиз муболага қилишгани йўқ. Лекин шу ўринда қўшиқ учун шеър битишда юзага келган муаммага яна бир қарра тўхталмаслиқнинг иложи йўқ. Таъкидланганидек, тўйларимизда хизмат қилаётган кўпгина хонандалар дастурида ўзлари яратган мукамал шеърий қўшиқлар ҳам бор. Уларнинг аксариятини бирмунча таниқли ижроичилар битишгани эса эътиборга лойиқ. Аммо барибир ҳақиқий шoirлардан ўтказиб ашулабоб шеър иқоди қилаётган вақиломт хонандалар йўқ ҳисоби. «Ҳофиз»дан чиққан «шoir»лар битган шеърларнинг кўпчилигида маънавий қашшоқлик руҳи ҳукмрон, десак хато бўлмайди. Қўшиқнинг ўзаги — шеър. Аммо ҳозирги аксарият «хофиз»лар учун энг муҳими — мусликий шoқвин. Деярли ўз-ўзидан бемехнат чалинадиган гарбона мусиқа асбобларининг кучли овози «хонанданинг ожиз нафасини хаспўшлашдан бошқа нарса эмас.

Хўш, тўйларимизда ўзини бош қахрамон санаётган «хофиз» ва раққослар бундан қандай хулоса чиқаришаркин? Шу сингари ҳолатлар санъат ва санъаткорнинг обрўсини чилларчин этмайдики?

Модомки, санъаткорнинг тўйдаги ўрни ва ролидан сўз очилган экан, гап инсоний қамтарилликка ҳам бориб тақалади. Тўй-тантаналарда қониқ қилаётган аксарият «санъаткор»лар ўз «устозлари» номини қайта-қайта тилга олишни ҳўш қўришади. Бунга эътироз йўқ. Устозлардан қўл олмоқ — инсоний олижанобликдан нишон. Бирок, бунинг ҳам фарқи ва меъёри бор. Узини «санъаткор» атаган хонанда устоз сифатида сабоқ берган

мусиқа муаллимнинг эмас, балки кам деганда Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров сингари беназир инсонларнинг номини тилга олади.

Биласиз, устоз ва шoirдликнинг талай фарзлари бор. Аксарият устозлар учун шoirд ҳам бир фарзанд. Шoirдлик буручи эса албатта устоздан ўзоқлик.

Ана энди «шoirд»лар фаолиятига разм солинг. Деярли бари ўзини юртимизга маълум ва машҳур санъаткорларнинг шoirд ҳисоблайди. Оддий, рутбаси йўқ санъаткор устозларга шoirдман дейдиганларнинг деярли тополомайсиз. Майли, нимаям дердик. Лекин, бутун довуғли санъаткорлар, беназир раққосларни орда қолдирган шoirдлар орамизда борми? Раҳматли Комилжон Отаниёзов устози зуосида гап кетганида оддийгина хонанда, қишлоқ муаллимнинг номини қайта-қайта тилга олганига қўллар гувоҳ.

Пулга туюқ қўйган баэзи «отарчи»лар ўзлари «устоз» дея атаган машҳур санъаткорлар ҳеч маҳал нафс ва бойлик бандиси бўлишганини негадир эслашмайди? Ҳалоқ, покдомон одамлар номларини ўзларига худди ёрликдай ёпиштириб олишга ўялмайдилар ҳам.

Бугун тўйларимизда «хизмат» қилаётган аксарият «санъаткорлар» бу йўлдан қайтариш қийин. Яқинда бир тўйда «хизматда бўлган» йилгитчининг гаройиб ҳикоясидан лол қолдик. Айтишча, ота-боболари замонасида яшаб ўтган бир машҳур санъаткорни тушида қўриб, унга шoirд тушибди. Шу-шу «шoirд» хофизлик мартабасига етибди. Бир ёлғон бўлса, шунчалик бўлар.

Санъатта сохталик ярашмайди. Фақат чинакам истеъдод ва камтарин муносабатини санъатда тан олинган. Тўй-тантаналар ўзини санъаткор сананганларнинг истеъдоди-ю, инсонийлик сифатларини синаш ва баҳолаш майдони.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, бу фикрларни қатъий тартиб-қоидага айлантириш ниятимиз йўқ. Лекин, ҳар қалай элдеги қўпгина маросимлар тўқилка шўшлиқнинг бўлиб қолаётганлиги ва муаммолардан ҳоли эмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бинобарин, тўйларимиз тўқин ва замонага ярашқили бўлгани маъқул. Санъатта азал-азалдан мойил ва меҳри банд халқимиз эса ҳали айтилганидек, замонамизга ярашқили тантаналар тарафдори.

Абдулла СОБИРОВ, журналист

4

5

6

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Денов тумани, «Хазарбоғ» ширкат ҳўжалигидаги Хазарбоғ қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги касб-ҳўнар коллежига ўқув-тажриба ҳўжалиги мажмуасини фойдаланишга тайёр қилди қуриш.

Иштиотнинг бошланғич нархи — 301012,16 минг сўм.
Қурилиш муддати — 120 кун.

Иштиотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефон: 2-49-71.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лицензия ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажмуалисига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳўжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиб куйи ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши эълон матбуотида чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.**

